

Qishloq hayoti

2012 йил

Мустақкам оила
ЙИЛИ

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 14-AVGUST, SESHANBA, 95 (8020) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Сурхондарё Вилояти



Сурхондарё Вилояти

Президентимиз Ислам Каримов 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни тамомлаган ўқувчиларни уч томонлама шартнома асосида ишга жойлаштириш, уларга тадбиркорлик фаолиятларини бошлашлари учун қулай шарт-шароитлар яратиб бериш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди.

АСОСИЙ МАҚСАДИМИЗ — ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Ана шу вазифадан келиб чиққан ҳолда коллежимизда ёшларнинг чуқур билим ва амалий қўникмага эга бўлишлари, келажақда доимий иш жойларини топишлари йўлида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ўқув масканимизда ўқувчиларнинг ўқишлари, изланиш-интилишлари ҳамда спорт билан шугулланишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Уларга 38 нафар малакали ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталари пухта билим беришмоқда. Билим масканининг Ахборот-ресурс маркази 8152 нусхадаги бадий, ижтимоий-сиёсий адабиётлар, ўқув қўлланмалари, махсус фан ҳамда электрон дарсликлар билан таъминланган. Синфхоналар эса тўлиқ компьютерлаштирилган. Булар, ўз навбатида, ўқувчиларнинг билимларини бойитиб, касб сирасорларини пухта ўзлаштиришига имкон яратмоқда. Шуҳрат Шаропов, Гўзал Саидулова, Мавлуда Жаҳонгирова, Сайдулла Дўстмуродов, Авазхон Хўжаев, Маматқул Шерназаров, Усмонқул Дадабоев каби малакали ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш усталари ҳар бир дарс машғулотларини янгиликка таяниб, амалиётга боғлаб ўттиришмоқда. Бу ерда "коллекж-маҳалла-корхона" ҳамкорлиги тўғрисида оқилона йўлга қўйилган. Унинг самарасида коллежни битирган 176 нафар ўқувчининг 175 таси доимий иш ўрнига эга бўлди. Сардор Шоҳрамов, Зикрийё Ҳайдаров сингари битирувчиларимиз тижорат банклари ва имтиёзли кредитлари эвазига тадбиркорлик фаолиятини бошлашди. Бу йил коллежимизни тамомлаб, қўлига диплом олган 111 нафар ўқил-қизнинг 94 нафари ўзлари амалиёт ўтаган корхона, ташкилот, тикувчилик цехлари ва фермер хўжалиқларида ишга қўшилди. Жумладан, У.Юсупов номи қишлоқ фуқаролар йиғини худудидagi "Шаҳзодабек-Алишер ҳамкор" хусусий корхонасида коллежни тамомлаган 12 нафар битирувчи турли либослар тикиш билан шугулланишга тайёр. Коллежимизда 15 та турли фан ва спорт тўғрисидаги мунтазам ишлаб турибди. Ёшлар спорт зали, стадион ёшлар ихтиёрида. Кичик спорт залида алоҳида бадий гимнастика тўғрисида ташкил этилиб, унда 60 нафар қиз нафис спорт сирини билан ошно бўлаётди. Эътиборлиси, вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан бу йил коллежимизда механизаторлар тайёрлаш курсларини ташкил этдик. Ушбу курсни тамомлаган 30 нафар ўқувчи фермер хўжалиқларида механизатор-ўринбоқлар сифатида иш бошлаб юборди.

Ўқувчилар билимларини амалиётда мустаҳкамлашлари учун 3 гектарлик таъриба майдонимизда алоҳида боғ яратдик. Қўчат ораларига экин экиб, коллеж иқтисодий аҳолини янада яхшилашга ҳаракат қилияёмиз. Бундан ташқари, алоҳида товуқхонада 50 та парранда боқилляпти. Сирасини айтганда, бор эътиборини ёш кадрларни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга қаратганмиз.

Анвар СУЛТОНОВ,
Бойвут агросаноат касб-ҳунар
коллежи директори.

ЭКСПОРТЧИ КОРХОНА

"SURXON-TERMIZ-SILK" КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ МАМЛАКАТИМИЗ ИСТИҚЛОЛИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ МЕҲНАТ ТУҲФАЛАРИ БИЛАН КУТИБ ОЛМОҚДА. КОРХОНАДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН ОЙЛАРИ МОБАЙНИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАРНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ ЭКСПОРТГА ЙЎНАЛТИРИЛДИ.

Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги фармони мамлакатимизда саноатни ривожлантириш, қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш корхоналарининг барқарор ишлашини таъминлаш, шу орқали аҳоли бандлигига қўмаклашиш борасида муҳим дастурий амал бўлди. Маълумки, қайта ишлаш мамлакат иқтисодий ўсиш учун жамғарма саноатини қўллаб-қувватлаш ва ишлаб чиқариш корхона ва аҳоли даромадларининг ошишига омили бўлади. "Surxon-Termiz-Silk" корхонасида

амалга оширилган модернизация ана шундай имкониятни бермоқда. Бу ерда "Агробанк" томонидан 5 йил муддатда берилган 700 минг АҚШ доллари миқдоридagi имтиёзли кредит эвазига хориждан замонавий асбоб-ускуналар келтириб ўрнатилди. Соҳага доир илғор тажрибалар ўрганилди. Янгиликка интилиш, замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муваффақиятлар гарови бўлди. —Кўкун, Марғилон, Наманган ва Бухородан келган тажрибали мутахассислар "Устоз-шоғир" альянсини асосида ёш ишчиларимизга ипак ўраш технологиясидан 2-3 ой мобайнида сабоқ беришди, — дейди бош муҳандис Файзи Жаббаров.

Натижада бу ерда пиллани қайта ишлаш билан бирга, 10 турдаги атлас, адрас ва ҳар хил ипак гиламлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Пилланинг устки қисмини ажратиш, саралаш, йигирув ва қайта йигирув цехларида бир маромда иш олиб борилмоқда. Хозирда корхонада юзга яқин киши меҳнат қиляпти. Касаначилик асосида 30 нафар киши иш билан таъминланган. Жорий йилда корхона томонидан 6 миллиард 300 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, экспорт салоҳиятини янада ошириш кўзда тутилган. Бунинг учун корхонада кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Ишчи-хизматчиларнинг юқори унум билан меҳнат қилишлари, ишдан сўнг маданий

ҳордиқ чиқариб дам олишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Унумдорлиқни ошириш мақсадида иш уч навбатда ташкил этилган.



— Давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида олдимишга янада юксак вазифаларни қўйди, — дейди корхона бошқаруви кенгаши раиси Абдулла Холтўраев. — Мақсадиимиз сифат-

ли ва харидорғир маҳсулот ишлаб чиқариб, корхонанинг экспорт салоҳиятини янада оширишдир. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб этишни тақозо этади.

Ҳа, корхона тараққиётнинг ойдin йулидан борапти. Аҳил жамоанинг янгиликка интилиб, жаҳон бозорига мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш йўлидаги фидойи меҳнатлари, ташаббус, изланишларида юрт тараққиётига ҳизмат қилишдек эзгу мақсад муҳимдир.

Хусан ТЕМИРОВ,
"Qishloq hayoti" муҳбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Август — пахта ҳосилини сақлаш ва кўпайтириш палласи

Жорий йил деҳқончилиги баракали келаёттир. Хусусан, гўза учун ҳам. Ҳозир гўзаларимиз дуркун, ҳосилга кирган. Аммо бугунги ҳолатга маҳлиё бўлиб қолмаслик лозим. Ана шу тамойилга асосланиб, иш ташкил этганмиз.

БУГУНГА МАҲЛИЁ БЎЛМАЙ, ЭРТАНИНГ ҲОСИЛИ УЧУН КУРАШАЙЛИК

■ Беғали ҚОДИРОВ,
Андижон вилояти Олтинқўл туманидаги "Латифжон ери" фермер хўжалиги раҳбари.

41,4 гектар майдонда гўзанинг истиқболли "Андижон-35" навини парвариш қилияёмиз. Айтиб ўтганимиздек, жорий йил деҳқон учун қўлай келди. Аввало, кузда пухта ҳозирлик кўрганлигимиз, яъни ҳайдовни барвақт ўтказиб, сўнгра текислаб, пушта олиб қўйганлигимиз боис қисқа ва қўлай муддатда уруғ қададик. Тўлиқ ва текис қўчат ҳосил қилдик. Гўза парваришида узвийликни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Текис қўчат олиш, яғналас, қатор ораларига ишлов бериш, озиклантириш каби агротехник тадбирлар ҳар йилгига нисбатан илдамроқ олиб борилади. Айниқса, гўза ниҳолларига шоналаш арафасида икки бор суспензия берилганлиги ҳосил туғунчаларини яна эртароқ яратишга шариқ яратди. Механизатор ва сувчиларнинг ҳамфиқрлиги боис юқори ҳарорат шароитида ҳам туپроқнинг майин ҳолатида бўлишига эришилмоқда. Мутахассислар тавсияси ва гўзанинг ҳолатидан келиб чиқиб, жорий йилда чекканки эрта ўтказдик. Сўнгра эса ён шохлари ҳам бир қатор қўриқдан ўтказилди.

Хуллас, гўзани гўза қиладиган, баракали ҳосил яратишга омил бўладиган барча агротехник тадбирлар бир-бирига боғлиқ ҳолда олиб борилмоқда. Механизатор Муроджон Маматқулов гўза қатор ораларига ишлов беришда ўзига хос тажрибага эга. Бахриддин Бегматов, Шуҳрат Иброҳимов, Тўқтасин Деҳқонов, Шохобиддин Темиров каби сувчиларимиз гўзани тунда сугоришга ҳаракат қилишяпти. Ҳашарот ва зараркунандаларга қарши курашда хўжалигимизнинг барча аъзолари бирдек фаол. Бунда фойдали ҳашаротлар билан қарши кураш ташкил этилган. Механизатор ҳам, сувчи ҳам, ўз навбатида, кузатувчи. Биологларнинг ходимлари эса бизга ҳаммаша қўмакчи. Ишчиларимиз эгач оралаб сугоришдан кейин пайдо бўлаётган бегона ўтларни йўқ қилишмоқда. Далага одам кирган сари гўза қатор ораларида ҳаво алмашинуви яхшиланади. Ҳашарот ва зараркунандаларнинг бой-йўқлиги янада ойдинлашади. Август — пахта ҳосилини сақлаш ва кўпайтириш палласи. Шу муддатда ҳаракат қилган пахтакор, албатта, мақсадига етади. Ниятимиз ҳар гектар ердан 45 центнердан юқори сифатли ҳосил тайёрлаб, бизга яратиб берилаётган шароитга, имкониятга "лаббай" дея жавоб бериш.

ЮРТ ИФТИХОРИ ЮРТНИ ШАРАФЛАДИ

12 август куни Лондонда бўлиб ўтган XXX ёзги Олимпия ўйинлари якунига етди. Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Жак Рогге Олимпиада байроғини кейинги мезбон Рио-де Жанейро (Бразилия) шаҳри мэрига топширди.

Олимпиадада ҳамюртларимиз 17 спорт тури бўйича баҳсларда иштирок этишиб, мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилиш учун бор куч ва иқтидорларини сафарбар қилишди. Биринчи медални терма жамоамиз ҳисобига дзюдочимиз Ришод Собиров келтирди. Ўз вази тоифасида жаҳонда "мутлақ чемпион" дея эътироф этилган спортчимиздан энг юқори натижани куттишга асосли эдик. Афсуски, Ришод россиялик Арсен Галстянга қарши кечган ярим финал баҳсида кичик ҳисоб билан имкониятини бой берди ва бронза медали билан қийоқланди. Учинчи ўрин учун кечган баҳсда у французлик Софиане Милоус устидан ишончли галабага эришди. Олимпия терма жамоамиз ҳисобига яна иккита бронза медали бўлиб, бу медаллар боксчимиз Аббос Атоев ҳамда курашчимиз Сослан Тигиев саъй-ҳаракатлари эвазига қўлга киритилди. Олимпиадада номи чиққан полвонимиз Артур Таймазовнинг эркин кураш бўйича 120 килограмм вази

тоифасидаги баҳсларда олтин медални қўлга киритгани барчамизни гоё қувонтирди. Чунки дунёнинг энг забардаст эркин курашчилари иштирок этган ушбу мусобақаларда юртимиз полвони А.Таймазов спорт оламида кам кузатиладиган тарихий натижани қайд этиб, учинчи мартаба Олимпия ўйинлари олтин медалига сазовор бўлди. Бунгача жаҳон чемпионатлари ва Олимпия ўйинларида икки мартабадан олтин медални қўлга киритган А.Таймазов Лондон Олимпиадасида ҳам юксак маҳорат кўрсатди. Саралаш учрашувларида германиялик Ник Матухин, Осиё чемпионати кумуш медали совриндори, эронлик Комил Гашеми, Панамерика чемпиони ва жаҳон кубоги соҳиби, америкалик Тервел Длагневи катта устунлик билан енгиб, финалга чиқди. Ҳал қилувчи баҳсда жаҳон чемпионати совриндори грузиялик Давид Модзмашвили билан куч синашган ҳамюртимиз рақибини мағлубиятга учратди ва Лондон Олимпиадасининг олтин медалини қўлга



киритди. А.Таймазов спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси — ёзги Олимпия ўйинларида эркин кураш бўйича уч мартаба олтин медални қўлга киритган учинчи спортчи сифатида жаҳон спорт тарихидан жой олди. Эркин кураш мусобақалари ёзги Олимпия ўйинлари дастурига 1904 йилда киритилганидан буён фақат икки киши — беларуслик Александр Медведь ва россиялик Бувайсар Сайтиевга олимпиадаларда ана шундай уч мартадан зафар қўчиш насиб этган. Айни пайтда Артурнинг улардан устун томони шундаки, ҳамюртими-

нинг медаллар жамланмасида Афина, Пекин ва Лондон Олимпиадаларининг уч олтин медалидан ташқари, 2000 йили Сиднейда қўлган киритилган кумуш медал ҳам бор. "Олтин олма, дуо ол", деган қўчиликка маълум мақол бор. Артур Таймазов эса ҳам олтин, ҳам дуо олди. Элу юрт олқишига сазовор бўлди. Шу кунгача А.Таймазов давлатимизнинг юксак мукофотлари — "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи", "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвонлари ва "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланган.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Навоий Вилояти

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШНИНГ ОМИЛЛАРИ КЎП

ХАТИРЧИЛИК ФЕРМЕРЛАР ҲАМ ПАХТАДАН МЎЛ ҲОСИЛ ОЛИШ УЧУН БОР КУЧ-ҒАЙРАТЛАРИНИ ИШГА СОЛИШМОҚДА

Жорий йилда хатирчилик фермерлар чигитнинг "Ан-Боёвут-2", "Бухоро-192", истиқболли "Султон" навларини экишиб, ғўза парваришини агротехника қоидалари асосида олиб боришди. Натижада мўл ҳосилга замин яратилди.

— Бу йил давлатга 32110 тонна сифатли пахта сотишни режалаштирганмиз, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлигининг агротехнология масалалари бўйича ўринбосари Абдуҳамид Иноятов. — Айтиш керакки, бу йил пахтакор учун анча қулай келди. Чигит экиш барвақт амалга оширилди. Деярли бузиб экилмади. Барча майдонларда тўлиқ ниҳол олинди, яғналлаш вақтида ниҳоясига етказилди. Ғўзалар ўз вақтида культивация қилиниб, суғорилди. Суғориш доимий равишда "шарбат" усулида амалга оширилди.

Ғўзаларга керакли микдорда биомаҳсулотлар билан ишлов берилиб, зараркунандаларга қарши самарали курашилди.

— Пахта ҳосили учун август ҳал қилувчи ой эканлиги тажрибалардан маълум, — дейди "Турсунов Камолитдин" фермер хўжалиги раҳбари Раҳмонкул Умаров. — Мана ғўзалардаги кўсақлар анча йириклашиб қолди, ҳатто айримлари очила бошлади. Улар ортидан етишадиганлари қанча. Аммо барча кўсақларнинг ҳосилга айланиши айнан бугунги кундаги меҳнатимизга боғлиқ. Тажрибаларга, илм-фан ютуқларига та-



"Турсунов Камолитдин" фермер хўжалиги раҳбари Раҳмонкул Умаров ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлигининг агротехнология масалалари бўйича ўринбосари Абдуҳамид Иноятов.

янсақ, кечани кеча, кундузни кундуз демая, ғўзаларимизга қалб қўригимизни берсак, марра бизники. Ана шунда мавжуд 45 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлат буортмасида белгиланганидек 34 центнердан эмас, балки 45 центнердан ҳосил кўтарамиз.

"Умиров Адис саховати сари" фермер хўжалиги далаларидаги

яшнаб турган ғўзаларга қараб кўз қувнайди. Фермер Мардикул Бўриев пайкал оралаб кўсақ санайди. 25-30 тагача кўсақ боғлаган ғўзаларга боқиб, "Она замин саховати, меҳнатимиз натижаси булар", дей-

тар майдондан 30 центнердан ҳосил олган эди. Бу йил эса ҳосилдорликни бир йўла бир ярим бараварга оширишни мўлжаллаб турибди. 45 центнерлик натижа замирида об-ҳаво қулайлиги, яратилган имкониятлар, жумладан, пахта ҳосили учун ажратилган банкнинг имтиёзли кредитлари, ўғит ва нефть маҳсулотларининг вақтида етказиб берилётгани каби омиллар мужассам.

Айни пайтда мутахассислар туманнинг барча ҳудудларида ғўза ривожини, ҳосил тўплаш борасида бироз ортада қолаётгани аниқланди. Бундай жойларда кўшимча агротехник тадбирларни қўллаш билан икки зарбдор ўн қунликда ғўзалар ривожини кўнгилдагидек йўлга қўйиш, етарли ҳосил тўплаш имконини яратиш чора-тадбирлари белгиланиб, амалий ишга ўтилди. Қолган майдонларда эса бу даврда энгил культивация ўтказиш, бир марта "шарбатли" сув бериш режалаштирилган.

Хуллас, хатирчилик пахтакорлар август ойида ҳар туп ғўзадаги ҳосилни авайлаб асраш, ҳосилга ҳосил қўиш мақсадида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишмоқда.

Абдурасул САТТОРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

КУН НАФАСИ

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИГА ЗАМОНАВИЙ, ҚУЛАЙ УЙ-ЖОЙЛАР

БУ БОРАДАГИ ИШЛАР КЎЛАМИ ЯНАДА КЕНГАЙМОҚДА

Миллий матбуот марказида "Қишлоқ қурилиш банк" ҳамда "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси ҳамкорлигида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини яхшилаш ва кўламини янада кенгайтириш масалалари, кредит ажратиш тизимини такомиллаштириш ва хорижий тажрибаларни амалиётга татбиқ этиш борасида амалга оширилётган ишларга бағишланган анжумани ташкил қилинди.



Унда таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, қишлоқларда замонавий ва сифатли уй-жойларни қуриш, ижтимоий соҳа объектларини барпо қилиш, қишлоқларнинг янги инфра-тузилмасини шакллантиришга қаратилган кенг кўламли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ана шу жараёнда муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилаётди. 2009-2011 йиллар мобайлида 622 та қишлоқ массивида 15047 та намунавий уй-жой барпо этилгани бунинг яққол исботидир.

Дастур доирасида қуриладиган уй-жойлар қийматининг асосий ортишининг олдинчи олинди, қурилишда маҳаллий хомашё, замонавий материаллардан кенг фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда банк маблағлари ҳисобидан намунавий уй-жойлар қурилиши мақсадида Осиё тараққиёт банкнинг 500 миллион АҚШ доллари миқдоридан узоқ муддатли кредит линияси жалб этилди.

Жорий йилда Осиё тараққиёт банк кредит линиясининг биринчи босқичи доирасида 160 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағларни ўзлаштириш фаловатом этмоқда. 2012 йил давомида такомиллаштирилган лойиҳалар асосида жами 905,5 миллиард сўм қийматга эга бўлган 8510 та уй-жой қурилиши режалаштирилган. Мустаҳкам оила йилида

қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойлар учун аҳолига ажратилган ипотека кредитларини қайтариш бўйича ўрнатилган олти ойлик имтиёзли давр бир йилгача узайтирилди ва ипотека кредитининг фойдаланганлик учун устам 7 фойз миқдорида белгиланди. "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси ва яққа тартибдаги уй-жой қурувчи ўртасида шартнома имзоланганидан сўнг ер устасини ажратиб туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан қимматли савдоси ўтказилиб қолдирилган умрбод мерос қилиб қолдирилган умрбод мерос тарзида расмийлаштирилди. Шунингдек, ўзимизда ишлаб чиқарилмайдиган ёғоч-тахта ва томга ёпиладиган металл ту-нуқаларни арзон нархларда чет давлатлардан импорт қилиниши ташкил қилинди.

2012 йилдан бошлаб уй-жойлар барпо этиладиган массивларда сув таъминоти объектларини қуриш республика бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Жорий йилнинг 1 август ҳолатига қўра, намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган уй-жойларга аҳолининг 25 фойз бошланғич бадаллари тўлиқ шакллантирилди ҳамда қурилиш ишларини жадал суриятларда ташкил этиш учун 205,9 миллиард сўмдан ортиқ маблағлар пудрат ташкилотларига бўнақ тариқасида ўтказиб берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Нукус шаҳар кенгаши ташаббуси билан ёшлар ўртасида Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишлаб "Биз — буюк юрт фарзандларимиз" мавзусида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

ИСТИҚБОЛГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР

Бундай тадбирлар ёшларни маънавий ва jismoniy баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, йиғиштирилган имкониятлардан самарали фойдаланишга йўналтириш ва навқирон авлоднинг эртанги кунимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялашга хизмат қилади.

Тадбирларда ёшларга Ватанимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари, қўлга киритилган муҳим натижалар аниқ ва ҳаётий мисоллар, халқаро миқёсдаги эътирофлар воситасида атрафлича тушунирилмоқда. Натижада навқирон авлоднинг жамиятимиздаги ислохотларга нисбатан дахлдорлик туйғуси кучаймоқда, халқимиз табиғатига ётган зарарли иллатларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашмоқда. Маҳалла-ларда ташкил этилаётган интерфалол уйинлар, концерт дастурлари, кўнгило-чар тадбирлар, айнақса, ёшлар таътилдаги ўғил-қизларга манзур бўлмоқда.

— "Езики "Камолот" билан" лойиҳаси асосида ўтказилган тадбирларимизда ёшлар фаол иштирок этмоқда, — дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Нукус шаҳар кенгаши раиси Азамат Қалбошев. — Бундай тадбирлар шахримизнинг барча маҳалла-ларидан ташкил этилаётди.

А.ОРТИҚБОЕВ, ЎЗА мухбири.

Бухоро Вилояти

«ЯНГИБОЗОР ШИРИН НОНИ» ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Тадбиркор Ганишер Нуриддинов ўтган йили «Халқ банки»дан 20 миллион сўмлик кредит олиб, Пешку тумани марказида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган цех ишга туширганди. Унга Германиядан замонавий печлар олиб келиб ўрнатилган цехда 4 та янги иш ўрни яратилди.



Хозирда у раҳбарлик қилаётган "Янгибозор ширин нони" МЧЖда кунига салкам бир тоннага яқин ун қайта ишланиб, мазаги нон маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Бу тиниб-тинчимас тадбиркорга жорий йилда банк томонидан яна 250 миллион сўм маблағ ажратилди.

— Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизга талаб ниҳоятда катта, — дейди жамият раҳбари Ганишер Нуриддинов. — Қўшни туманлардан ҳам буюртмалар тушяпти. Бу эса маҳсулот ҳажминини оширишга асос бўлмоқда. Яқин кунларда яна янги печлар сотиб олмақчимиз. Натижада, фаолиятимиз кенгайиб, ун маҳ-

сулотига бўлган талабимиз янада ортади. Шунинг учун бир кеча-кундузда 25-30 тонна бугдойни қайта ишлаш қувватига эга тегирмон қурдик. Тегирмон замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланди, ишга тушиш арафасида турибди.

Хамроз АЛИ олган сурат.

Қашқағарё Вилояти

ЛАЛМИ БОҒНИНГ СЕРСУВ ОЛМАЛАРИ

Сибё — Китоб туманининг олис қишлоғи. Тоғли ҳудудда жойлашган қишлоқ аҳолисининг асосий фаолияти деҳқончилик ҳисобланади. Ерлари лалми майдонлар. Шунга қарамай ҳар гектар ҳисобига етиштирилаётган маҳсулот миқдори сувли ерликдан кам эмас. Лалми майдонларда деҳқончилик ҳақида гап кетганда кўпчиликнинг кўз олдига галла, зигир, масхор ва шунга ўхшаш ўсимликлар келади. Аммо лалми ерда боғ барпо этиб, ундан мўл ҳосил олаётганлар ҳам бор. Ушбу қишлоқдаги "Сибё" фермер хўжалиги раҳбари Мирзо Тошпўлатовнинг амалга ошираётган ишлари мисол бунга.

— 5 гектар ерда турли мевали дарахларни парваришлаб келяпмиз, — дейди фермер Мирзо Тошпўлатов. — Бир ярим гектар ерда экилган олмадан ўтган йили 18 тонна ҳосил олдик. Шунингдек, олма билан бирга нок етиштиришни ҳам йўлга қўйдик. Бу айримлар учун эриш туюлиши мумкин. Лекин бор гап. Сифати ҳам яхши. Сувли, ширин. Маҳаллий навлар. Сабани, бизда ернинг нам-лики даражаси юқори бўлади. Ҳавонинг мусоффо бўлиши ҳам бош омиллардан биридир. Қолаверса, тажрибага таяниб иш қўриш лозим. Қайси пайтда қандай агротехник тадбирлар ўтказилишини яхши билиш керак. Бир кун кечиксангиз ҳам қутулган натижага эришиб бўлмайд.

Фермер ернинг ҳар қаричидан унумли фойдаланишга интилади. Мана исботи:

тасарруфидаги 70 сотих жарлик ерга терак эккан. — Теракнинг бир хусусияти бор, — дейди фермер. — У қўёшга интилади. Маълумки, жарликка қўёш нури деярли тушмайди. Ўз-ўзидан терак нурга талпиниб, ўса бошлайди.

Бу хали ҳаммаси эмас. Мирзо Тошпўлатов ернинг каттагина қисмида бир неча йилдан бери картошка етиштириб келмоқда. Энг муҳими, ҳосилдорлик гектарига 25 тоннадан ортиқни ташкил этапти. Мутахассисларнинг айтишича, Ўзбекистон шароитида бир гектар суғориладиган ердан 30-40 тонна картошка олиш мумкин экан. Демак, лалми ердан ўртача 25 тонна картошка олинишига эришиш яхши кўрсаткич. Хўш, бунинг сири нимда?

— Бунинг сири фақат унумли меҳнат, — дейди Мирзо ака. — Яъни парва-




ришини ўз вақтида тўғри йўлга қўйиш лозим. Қолаверса, экишда ҳам бир талай эътибор берилиши керак бўлган жиҳатлар бор. Уруғлик картошка кесилгач, уни майин тупроқ ёки кулга ботирилиб, экилади. Шу амаллар тўғри бажарилса, бўлди. Ўзи ердан нам олиб, униб чиқаверади. Ҳар йили картошкани февраль ойда экиб, май ойда бозорга чиқарардик. Бу йил эса ҳавонинг "инжиқлиги" бироз кечроқ "қийирлашимизга" мажбур қилди. Биласиз, қишда тинимсиз қор ёғди. Фермер хўжалигимиз тасарруфидаги ер эса тоғга жуда яқин бўлганлиги боис, қорнинг баландлиги етиши

сантиметргача борди. Эриш ҳам ҳар йилгидан анча секин кечди. Шу сабаб, картошкани мартнинг охирида экишга мажбур бўлдик. Бироқ бу маҳсулдорлик сифати ва ҳосилдорлигига асло таъсир этмади. Баҳорда ёққан ёғмирлар ҳам бизнинг фойдамизга хизмат қилди.

Ҳа, Мирзо Тошпўлатов сингари миришкорлар халқимизнинг дастурхон доимо тўкин бўлиши учун ҳар қарич ердан унумли фойдаланишга интилоқдалар. Ҳатто лалми ерда ҳам қўрқам боғлар барпо этмоқдалар. Уларнинг бу хайрли ишларига барака берсин. Баҳодир ХАЛИМОВ

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ ИСТИҚБОЛАРИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси табиатини муҳофазаси қилиш Давлат қўмитаси, "Экосан" халқаро жамоат фонди, "Чинор ЭНК" Экологик нашриёт компанияси ҳамкорлигида мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш истиқболлари ва бу борадаги тажрибаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.



Унда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, энергетика соҳасида фаолият юритаётган олим ва мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Таъкидландики, саноат тараққиёти, аҳоли сонининг ўсиши энергияга бўлган талабни ҳам оширмоқда. Ўтган 40-45 йил давомида фойдаланилган энергия манбалари бутун инсоният тарихи даврида қазиб олинган органик ёқилғидан ҳам кўпроқдир. Маълумот учун айтиш жоизки, асосий энергия манбаларидан фойдаланиш шу зайдда давом этса, дунёдаги қазиб олинган нефть захиралари яна 40-50 йилга, табиий газ захиралари 70-75 йилга, тош қўмир захиралари 165-170 йилга, қўнғир қўмир захиралари эса 450-500 йилга етар экан.

Чекланган углеводород энергетик ресурсларга муқобил тарзда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишга ўтилмоқда. Мамлакатимизда экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларда қайта тикланувчи экологик тоза энергия манбаларини қўллаш катта истиқболга эга ҳамда бу экологик, ижтимоий ва иқтисодий самараларини беради.

Бундай энергия манбалари таркибига қўёш, шамол,

сув ресурслари, шунингдек, саноат, қишлоқ хўжалиги ва маиший қиқиндилардан олинган биогаз қиради. Шу билан бирга, экологик тоза қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жалб қилиш атраф-муҳитга теҳноген таъсирлар камайишининг олдини олади.

Қайта тикланувчи энергия манбаларининг кўпгина қурилмалардан фойдаланиш бўйича ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатадики, уларга катта маблағ сарфланса-да, иқтисодий кўрсаткичларни сақлаб қолади.

Муқобил энергия манбаларининг афзаллиқларидан яна бири электроэнергия ишлаб чиқаришда углеводородли энергия манбаларидан фойдаланишни камайитириши ва уларни нефть-кимё саноатида хомашё сифатида сақлаб қолиш имкониятини беради.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг қўёш энергияси бўйича ялпи ҳажми 50973 миллион тонна нефть эквивалентига тенг деб баҳоланмоқда, бу эса республика ҳудудидаги ҳозиргача текширилган барча қайта тикланувчи энергия манбаларининг 99,7 фойзга тенг кўрсаткичдир.

Жумладан, жорий йилда Сирдарё вилояти Оқолтин тумани Усмон Носир сув истеъмолчилари уюмаси ҳудудидаги қишлоқ врачлик пунктига, Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Даволаш марказига фото-электр станцияси ўрнатиш ишлари тугалланди. Шунингдек, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий вилоятларининг чекка ҳудудларида ҳам фотоэлектр станцияси ўрнатиш ишлари олиб боририлмоқда.

Анжуманда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Озод ОЧИЛОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Майрабоднинг мўъжизаси

Инсон умри бўйи табииёт нёъматларидан баҳра олиб яшайди, унинг ҳаёти наботот ва ҳайвонот оламига чамбарчас боғланган. Ўзининг ризқ-рўзини, емак-ичмагини шу оламдан олади. Ҳатто кўпгина хасталиклардан даво топишда ҳам табииётга эъланади. Шифобахш меваю гиёҳлардан фойдаланади. Ковул ана шундай ўсимликлар сирасига кирди.

Абу Али ибн Сино ковул ўсимлигидан асаб толалари шамоллаши, хавфли яралар, шол, тиш оғриги, талоқ, мускул-чўзилиш каби касалликларни даволашда, шунингдек, гижжани ҳайдовчи восита сифатида фойдаланган. Унинг янги мевалари қуруғига қараганда тўйимлидир. Тузланган меваси дамқисмага даво. Ковул илдизи подага, бўғим оғриқлари, радикулитни даволашда ишлатилади. Ўсимлик барглари эса яралар битишида аҳамиятли. Ковулдан халқ табобатида жигар касаллигида, асаб чарчаганда, бруцеллёз, сарик касалликларда фойдаланганлар. Энг муҳими, саратон касаллиги туғайли пайдо бўлган қийин битадиган яраларга унинг қуқундан селишган. Ковул мевасини жайралар севиб истеъмол

қилганлиги учун юртимиз аҳолиси уни "жайрабод-ринг" деб ҳам аташади. Ковул меваси жигарни, юракни, ўпка ва талоқ ишини мустаҳкамлайди, у билан қандли диабет, букюк ва ангина даволаш мумкин. Гулларининг шираси яраларни даволайди. Ковул гулчаларидан тайёрланган қуқун иштатгани очади, жигар ва талоқ касалликларига даводир. Янги узилган мевалари оватта ишлатилади. Хиндис-тонда бу ўсимликнинг алоҳида бир тури ўсади, ундан ўпка силлага даво сифатида фойдаланилади. Ковул баргларидан тайёрланган ширадан истеъмол қилинса, танадан гижжани хайдайди. Илдизидан тайёрланган ванна фалаж ва ревматизмга даво ҳисобланади. Фармокологлар таъкидлашича, ковул томирдан тайёр-



ланган спирт настойкаси қондаги тромбцитлар сонини оширади экан. Шунингдек, ковул аллергияга қарши хусусиятга ҳам эга. Ковулнинг меваси ва гул куртаклири юқори сифатли озуқа ҳисобланади. Одатда тузланган ва мариновка қилинган ковуллар озиқ-овқат маҳсулотларига хуштаъм бериш учун қўшилади. Қадимда Форизда яшовчи маҳаллий аҳоли ковул меваси ва гул куртагидан "ка-

барбо" деб номланган шўрва тайёрлаганлар. Ҳозирда юртимизда ўсаётган ковул ўсимлиги қайта тайёрлаб, консерва ҳолатида экспорт қилинмоқда. Бу ўсимлик мевасини теришда эътибор ва эҳтиёткорлик зарур. Режасиз, тартибсиз ҳамда ўсимлик мевасини кўп миқдорда йиғиш, унинг кайра тикланишига катта зарар келтириши мумкин. Шодиябегим ШАРОФИЙ тайёрлади.

Реклама ва эълонлар

Махсулот сертификатланган

LIZINGGA SOTILAMAN

+998(71) 148 8080

JV MAN Auto-Uzbekistan

г. Ташкент, ул. М. Улугбека, 30.
Тел.: (998-71) 148-80-80.
Факс: (998-71) 268-86-25.
e-mail: info@man-uz.com
www.man-uz.com

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналар раҳбарлари диққатига!

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИИЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙДАГИ ИИШОТЛАРГА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАНАЛОВ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Буюртмачи: Андижон вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси; (Андижон шаҳри А.Навоий кўчаси 45 уй, Тел: 224-19-97)

ЛОТ-1
ЛОТ 1-1. Андижон тумани Хортум ҚФЙ № 1 соғли Уриқзор-2 турар массивидаги 0,910 км намунавий кўчани ободонлаштириш;
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 119 121 680 сўм;
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС сиз) — 99 268 067 сўм;
Ишларни тугаллаш мuddати — 60 кун
ЛОТ 1-2. Андижон тумани Хортум ҚФЙ № 2 соғли Уриқзор-2 турар массивидаги 0,910 км намунавий кўчани ободонлаштириш;
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 190 040 380 сўм; (ҚҚС сиз) — 158 366 983 сўм;
Ишларни тугаллаш мuddати — 60 кун
Ишларни молиялаштириш: Республика бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

ЛОТ-2
ЛОТ 2-1. Балиқчи тумани Балиқчи ҚФЙ Исломобод турар жой массивидаги намунавий кўчани ободонлаштириш;
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 118 354 240 сўм;
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС сиз) — 98 628 533 сўм;
Ишларни тугаллаш мuddати — 60 кун
ЛОТ 2-2. Олтинқул тумани Қўмақай ҚФЙ Чўнтақ турар жой массивидаги намунавий кўчани ободонлаштириш;
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 207 556 400 сўм;
Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС сиз) — 172 963 667 сўм;
Ишларни тугаллаш мuddати — 60 кун
Ишларни молиялаштириш: Республика бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Диққат! Бошланғич қиймати 500 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.
Танлов савдоларида қатнашиш учун талабдорлар қуйдаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдориди айланма маблағларнинг ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга, банк кафо-

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИИЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙДАГИ ИИШОТЛАРГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Поп туманидаги 4Н-453 «Санг к. — ШФК — Пунгон к. — Наманган автоули» автомобиль йўлининг 0-4 км.ни тўла таъмирлаш.
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан 1 025 143 260 сўм, ҚҚСсиз 854 286 050 сўм.
Бажариш мuddати — 270 кун.

2. Наманган туманидаги 4К-442 «Наманган ш. — Фалча к. — Шўрқилшоқ к.» автомобиль йўлининг 3-6 км. қисмини тўла таъмирлаш.
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан 1 691 624 860 сўм, ҚҚСсиз 1 409 687 383 сўм.
Бажариш мuddати — 390 кун.

3. Тўрақўрғон туманидаги 4К-448 «Тўрақўрғон ш. — Бурмаут қ. — Бордиқул к.» автомобиль йўлининг 7-10 км. қисмини тўла таъмирлаш.
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан 997 811 630 сўм, ҚҚСсиз 831 509 691 сўм.
Бажариш мuddати — 270 кун.

4. Чортоқ туманидаги 4К-423В «Орачар қишлоғи» автомобиль йўлининг 0-3 км.ни тўла таъмирлаш.
Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан 765 410 520 сўм, ҚҚСсиз 637 842 100 сўм.
Бажариш мuddати — 270 кун.

Буюртмачи: Наманган шаҳри А.Темур кўчаси 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг ягона буюртмачи инжиниринг компанияси Тел.: (8-369) 226-22-60, факс 233-06-11.
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.
Диққат! Танлов савдоларида (тендерлар), кичик бизнес субъектлари қатнашишига қамқида 25 фоиз миқдорда квота белгиланган;
Талабдор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги айланма маблағга ёки қўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахасссларнинг маълумлигига, танловдаги ишчиларга ўрнатиш объектларида ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.
Маҳаллий ва хориж қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий талабдорларга қуйдаги нарх қўрсаткичлари ҳисобга олинади:
Қатнашишнинг танлов тақлифларини баҳолаш ва ўтказишда хориж ишчилари (хизматлари) таъминлаш бўйича танлов тақлифлари берилганда хориж товарларни етказиб бериш-чиқар қўшимча қиймат солиғидан қонун доирасида озод бўлганини инобатга олган ҳолда имтиёздан қелиб чиққан фарқ миқдорини берилган тақлифга қўшимча равишда ҳисобланади.
Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйдаги манзилга: Наманган шаҳар 226-уй 22-уй. Тел.факс: (8-369) 226-14-50, 226-91-91 муносабат қилиш мумкин.
Танлов ҳужжатларининг битта тўламини нархи — 100 000 сўм.
Тақлифлар (офферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади.
Тақлифлар (офферталар) савдо ташкилотчисига тақдим этилиши охириги мuddати — офферталар очилиш кuni ва соати.
Тақлифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйдаги манзилда очилади: Наманган ш. А.Темур кўча 105-уй.

Барча турдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

«ЎЗКОММУНИХИЗМАТ» АГЕНТЛИГИ ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ИИЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

«Жиззах вилояти Фаллозор тумани Жума ва Қоризқудуқ қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш тиклаш»
Объектнинг бошланғич қиймати: ҚҚСсиз 719,115 млн. сўм, ҚҚС билан 862,938 млн. сўм.
Ишларни тугаллаш мuddати: 2012 йил 1 ноябргача.
Ишларни молиялаштириш давлат бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.
Буюртмачи манзили: Ташкент шаҳри Юнусов д. тумани Нибёбек йўли кўчаси, 1-уй. Телефон: (8-371) 235-78-24, 234-05-08.
Диққат! Бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан ортиқ бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари ўтказилаётганда бошқа тенг шартларда кичик бизнес субъектларига аҳамият берилади.
Танлов савдосида иштирок этадиган пудратчи ташкилотлар қуйдаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдоси объектнинг бошланғич қийматидан қамқида 20 % айланма маблағларга ёки бундай маблағлар билан таъминлаш бўйича банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасссларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларига эга, ўрнатиш ишчиларини қуриш бўйича тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.
Танлов савдосида маҳаллий ва хорижий пудратчи ташкилотлар иштирок этаётганда уларнинг танлов тақлифларини баҳолаш жараёнида маҳаллий пудратчилар учун қуйдаги нарх преференциялари қўзда тутилган: баҳолашда қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғини тўлашдан озод этилган импорт ишларни бажарувчи ва хизмат қўрсатувчи чет эл оффертларнинг тақлифларига қўшимча қиймат солиғи қўшиб ҳисобланади.
Танлов савдосида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Жиззах вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйдаги манзил бўйича муносабат қилиш мумкин.
Жиззах ш. Ш.Рашидов шох кўчаси 63-уй (вилот конгалашар уйи биноси), 425-хона. Тел./факс: (8-372) 226-14-66, 226-70-47.
Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 минг сўм.
Тақлифлар (офферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридидаги манзилда қабул қилинади.
Офферталарни тақдим этилиши охириги мuddати — офферталар очилиш кuni ва соатига.
Танлов савдоси эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйдаги манзилда ўтказилади:
Жиззах ш. Ш.Рашидов шох кўчаси 64-уй (вилот ҳокимлиги биноси), махлслар зали.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ ҚУЙДАГИЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ!

«Қишлоқ ҳаёти» газетасининг 12.07.2012 йилдаги 82-сонидан чоп этилган хабарномалар билан «КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖнинг танлов савдосига чиқарилган, «Автобус-такси саройи» қуриш учун Паркент тумани, Паркент ҚФЙ, Бойқозон ҳудудидида жойлашган 1 дона 1,0 га бўлган ер участкасига бўлган доимий фойдаланиш ҳуқуқи танлов савдосидан олинганлигини маълум қиламиз.
Савдодан олишга асос: Паркент тумани ҳокимиятининг 2012 йил 10 августдаги 1/373-сонли хати.
Манзилимиз: Ташкент ш. Олмазор т. 1-Корақамиш, 1*А*уй. Тел: (8-371) 228-79-52. Расмий сайтими: www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

Утерений план на квартиру, расположенной по адресу: г. Ташкент Сергеевский р-н ул. Жамоаро д. 3 кв-ра 2, выданный Сергеевским БТИ на имя Волнецкой Татьяны Сергеевны, считать недействительным.
Утеренную грузовую ООО «MONI BARAKA TRANS» (ИНН 301114007), зарегистрированную ИПСП Сергеевского р-на г. Ташкента (реестр № 002066-06, 15.05.2009 г.), расположенную по адресу: г. Ташкент Сергеевский р-н ул. Кетчак массив Спутник 3 кв-л, считать недействительной.
Ташкент ш. Учтөл т. ТСРҮИда (реестр № 003052-01, 31.07.2009 й.) рўйқатдан ўтган «SERVIS AVTO MASTER» МЧЖ (СТПР 301275488), 10.08.2012 й.даги тазкилотчиси: 1-соғли қарорига асосан тугатилди. Даволаб эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой ичинда қабул қилинади. Тел.: 170-30-50.
Ташкент ш. Хама т. ТСРҮИ томонидан (реестр № 002988-07, 20.09.2010 й.) рўйқатдан олиган «SINTASH BORI» МЧЖ (СТПР 301702533) Устав фонди 214 831 300 сўмдан 203 813 300 сўмга қайтайтирилгани (кредиторлик ва дебиторлик қардорлиги мажбур эмаслигини) маълум қилади. Эълорлар учун манзил: Ташкент ш. Хама т. М.Рейсий мазаси Паркент кўч. 30-6 уй.
Ташкент ш. Шайхонтоҳур т. БТИ томонидан Ташкент ш. Шайхонтоҳур т. Эркин кўча 2-уй ун Абдулаттарова Машхура Дўрраева ва Бахобова Қаноат Дўрраева номига расмилайшларига кадастр ҳужжатлари (19.05.2011 й.даги суд қарорига асосан) беқор қилинади.
Ташкент ш. Чилонзор т. ҳокимияти ҳузуридаги ТСРҮИ томонидан рўйқатдан олиган «SAYFULLO KOMMUNAL SERVIS» иусурий уй-жай мулкдорлар ширкатининг (виданный разрешительным отделом Чилонзорского РОВД) бурчак шўмаги йўқолигани сабабли беқор қилинади. Манзил: Чилонзор 8-8а.
«AZIZ INTER TEKS» ХКнинг (ИНН 302262930) маҳими «AZIZ INTER TEKS» оилавий корхонасига ўзгартирилади. «AZIZ INTER TEKS» ХКнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича вориси «AZIZ INTER TEKS» оилавий корхонаси ҳисобланади. Манзил: Ташкент ш. Юнусов д. Янгишар кўч. 5-уй.

«Қишлоқ ҳаёти» газетасининг 2012 йил 10 август кунини № 94 (8019) сонидан хориж қилинган Қорақалпоғистон Республикаси «Туран Ким-эънат савдоси» МЧЖ Риэлторлик корхонаси томонидан ўтказиладиган сентябрь ойининг 8-санасидаги аукцион савдоси сентябрь ойининг 10-санаси, октябрь ойининг 8-санасидаги аукцион савдоси октябрь ойининг 10-санаси, ноябрь ойининг 10-санасидаги аукцион савдоси ноябрь ойининг 9-санаси ва декабрь ойининг 15-санасидаги аукцион савдоси декабрь ойининг 10-санаси деб ўқилин.

ДП «ORIMUY TRADE» (ИНН 207042834), зарегистрированное ИПСП М.Улугбековского хокимията г. Ташкента (№ 005220-04, 03.12.2009 г.), сообщает о реорганизации в ООО «ORIMUY TRADE». Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, М.Улугбековского р-н ул. Саматов д. 10.
Утеренный план квартиры, расположенной по адресу: г. Ташкент Утептинский р-н Чиланзор 12 кв-л д. 13* кв-ра 22, выданный БТИ Утептинского р-на г. Ташкента на имя Бердиевой Гульбардор Куррамовны, считать недействительным.
ДП «PIRIGIM AGRO» (ИНН 203628816), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Куйи Чирчикского р-на Ташкентской обл. (реестр № 65 от 29.04.2002 г.), расположенное по адресу: Ташкентская обл. Куйи Чирчикский р-н пос. Курганчи, ликвидировано (решение 1/12 от 10.08.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.
Утеренные кадастровые документы ООО «FARANGIZ-SAVDO» на здание находившегося по адресу: г. Ташкент Юнусовский р-н кв-л 19 д. 39, считать недействительными.
Утеренную грузовую АТ 1184330 от 07.05.2011 г. на квартиру, расположенную по адресу: г. Ташкент Чилонзорский р-н ул. Гулистон д. 58 кв-ра 38 кв. инж. Олимова Хусниддина Рахимовича, считать недействительной.
«COTTON IMPLEX GROUP» МЧЖ (реестр № 005962-03, 02.08.2012 й.) (СТПР 302355994) устав фонди 620 000 000 сўмдан 623 000 000 сўмга қайтайтирилгани (10.08.2012 й.) ҳолати бўйича қардорлиги йўқ маълум қилади.

«АГРОМАШ»

ЧЕТ ЭЛ КОРХОНАСИ МЧЖ «АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ»

ТАКЛИФ ЭТАДИ:

ВТ-150, ВТ-100 ВА ДТ-175

РУСУМЛИ ҲАЙДОВ ТРАКТОРЛАРИ

УЧУН ЗАНЖИРЛАР ВА БОШҚА ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАР.

Ташкент ш., Нибёбек йўли кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 00/10;
Факс: +998 71 234 89 88; E-mail: info@chetra-tashkent.ru
Сайт: www.chetra-tashkent.ru

МАКСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Ташкентдаги омборхонасидан мажбурд

- Зикаватор-погрузчик ЗП-Ф (Б) Бульдозер
- Запасные части и аксессуары «Беларусь»
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Шины различных моделей
- Зикаватор-погрузчик цепной ЗП-Ф-Ц
- Асфальтёрз
- Подъемники БЛ-99
- «Беларусь» (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 102.2, 1221.2

максулот сертификатланган

Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

<p>Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ</p>	<p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агротехнология комплекс тарихидида ҳамда шу тармоқда дхлдор вазирилк ва идоралар.</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РҲЗИЕВ, Улугбек УЗОКОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОВЕ, Абдиқабоб ТАМИКАЕВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ойнолулла ЮСУПОВ, Анавар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шероз ҚУЛОМОВ, Муҳаммад АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).</p>	<p>Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-реқам билан рўйқатдан ўтказилган.</p> <p>ISSN 2610-7023</p>	<p>Телефонлар: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Иجتимоний-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маълумият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.</p> <p>Худудлардаги мушбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси — (8-361) 352-54-58; Андижон — (8-374) 970-99-13; Бухоро — (8-365) 593-27-57; Жиззах — (8-372) 366-61-16; Навоий — (8-366) 921-50-08; Наманган — (8-369) 562-19-59; Фарғона — (+998-91) 137-06-83; Самарқанд — (+998-97) 756-68-27; Сирдарё — (8-367) 588-06-89; Ташкент — (+998-97) 800-29-61; Хоразм — (8-362) 520-69-14; Қашқадарё — (8-375) 229-17-29.</p>	<p>Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-28-04.</p> <p>Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар</p>	<p>Навбатчи муҳаррир: Р.СУЯРОВ Мушариф: О.ОҲИЛОВ Дизайнер: М.СОМУМУММЕДОВА</p>	
<p>Газета сеҳанба, пайшанба ва жума кунлари чиқиди.</p>	<p>Буюртма Г-814, ҳажми 2 босма табоқ.</p>	<p>Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.</p>	<p>Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топшириш вақти: 22.10 15983 нусxada босилди. Нашр индекси — 144</p>	<p>Манзилими: 100000, Ташкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй</p>	<p>E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru</p>	<p>Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва сақофланди.</p>	<p>«Шарқ» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасидида босилди. Манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй</p>